Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 17 FEVRAL, SESHANBA, 21 (7482) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Янгийўл туманида жойлашган Убай Мусаев номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Хонқўрғон маҳалласида касаначиликни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Яқинда қуриб битказилган маҳалла гузарида 15 турдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Айниқса, олти нафар тикувчи муқим иш билан банд бўлган тикув цехи ва новвойхонада иш қизғин. Яъни, маҳалла аҳлининг буюртмалари бажарилишидан ташқари, ёшларга бичиш-тикиш ва нон ёпиш сирлари ўргатилмоқда.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкент вилояти

СУРАТДА: *тикув цехи ноғаралари.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2008 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2008 йилда иқтисодиётнинг юқори барқарор ва мувозанатли ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик таъминланди, таркибий қайта ўзгартиришлар, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари давом эттирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни, унинг етакчи, энг аввало, экспортга йўналтирилган тармоқларини ривожлантиришнинг самарадорлиги ва мувозанатлашганлигига 2008 йилда юзага келган жаҳон иқтисодий кризиси ва унинг оқибатлари салбий таъсир этмоқда.

Шунга қарамай, 2008 йилда иқтисодиёт ўсишининг барқарор суръатлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари мувозанатлашганлиги сақлаб қолинди. Ўтган йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,3 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 17,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноздаги кўрсаткичдан юқори бўлмади ва 7,8 фоизни ташкил қилди.

Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 28,3 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг 71,2 фоизга ўсишини таъминлади. 423 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, иқтисодиётнинг турли тармоқларида 90 та техник модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди.

Ташқи савдони тармоқлар ва минтақалар бўйича диверсификациялаш таъминланмоқда, ўсиб бораётган Осиё бозори билан савдо айланмаси кўпаймоқда. Экспорт ҳажми 28,7 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасида ижобий сальдо 1,8 баравар кўпайди.

Бозор инфратузилмаси фаол ривожланмоқда. Банкларнинг жами капитали 2007 йилга нисбатан 40 фоизга, кредит қўйилмалари 33,4 фоизга, аҳолининг банк депозитларидаги маблағлари эса 65,3 фоизга ўсди. Суғурта хизматлари ҳажми 25,6 фоизга кўпайди.

Аҳоли бандлиги ва турмуш даражасида сифат ўзгаришларини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар соҳаси ва касаначиликни изчил ривожлантириш давом этмоқда. Кичик бизнес саноат ишлаб чиқариши ҳажми 21,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоғи 2007 йилдаги 45,7 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизгача, ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуши эса тегишли равишда 42,5 фоиздан 45,3 фоизгача ўсди. Ўтган йилда қарийб 661 мингта, шу жумладан касаначилик ҳисобига 97,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Аҳоли реал даромадларининг 23 фоизга ўсиши таъминланди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларнинг турар- жой ва маиший шарт-шароитларини яхшилаш, ёшларнинг таълими сифатини ошириш бўйича умумий суммаси 1363,5 млрд. сўмлик тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг муҳим омили сифатида маҳаллий хомашё асосида маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича айрим тармоқларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, шунингдек, уларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш ишлари суст ташкил этилган.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт коммуникациялари ва йўл қурилишини янада ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш масалалари жиддий эътибор беришни талаб қилади.

2. Қуйидагилар 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимизда қабул қилинган **2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий кризиси оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кризисга қарши дастурни** амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

(Давоми 2-саҳифада)

Кунниг муҳим воқеалари

○ Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган семинар махсус таълим истиқболига бағишланди. Унда таълим тизими раҳбарлари, махсус мактаблар ўқитувчилари, дефектологлар, услубчилар иштирок этди.

○ Юқори Чирчиқ туманидаги «Тано» наслчиликка ихтисослашган фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш корхонаси фойдаланишга топширилди. Замонавий технология жуда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тасдиқланди. Бу йил амалга ошириш кўзда тутилган чуқур ва кенг кўламли барча ўзгаришларнинг замирида

2009 йил – юртимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг асосий мақсади – қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, уй-жойлар, йўл ва коммуникация тармоқларини қуриш ва янгилаш, аҳолини ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим тизимини мустаҳкамлаш, лўнда қилиб айтганда, қишлоқ аҳли турмуш даражасини юксалтиришдир.

БОШ МАҚСАД – ЮРТ ОБОДЛИГИ, ҲАЁТ ФАРОВОНЛИГИ

Дарҳақиқат, қишлоқ жойларда маҳсулотларни қайта ишлайдиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган иккчам корхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асносида қишлоқ аҳолисини, аввало, ёшларни иш билан банд қилиш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишига жадаллик бахш этиш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тасдиқланди. Бу йил амалга ошириш кўзда тутилган чуқур ва кенг кўламли барча ўзгаришларнинг замирида қишлоқ тараққий этса, юртимиз ободонлашиб, ҳаётимиз фаровонлашади, деган оддий ҳақиқат мужассам. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқларда истиқомат қилишади. Шундай экан, юртимиз янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши шубҳасиз, қишлоқларимиз тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ.

Мустақиллик йиллари қишлоқларимизни ободонлаштиришга, замонавий қулай ва кўркам турар жойлар, колледжлар, лицей ва мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, болалар учун спорт кошоналари, равон йўл ва кўприклар сита раҳбарлигида амалга оширилмоқда. Дастурнинг мақсадларидан бири шундаки, ризқ-рўзимиз, фаровонлигимиз бунёдкори бўлган бободеҳқонлар, оддий меҳнаткашлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдир.

○ *Парламент йил дастури ижроси йўлида*

9 бўлим ва 105 банддан иборат Давлат дастурида ҳар бир бўлим, ҳар бир банд бўйича аниқ чора-тадбирлар, ундан кутиладиган натижалар, сарф қилиниши лозим бўлган харажатлар миқдори, молиялаштириш манбалари, ижро муддати ва масъул ижрочиларнинг қатъий белгилаб қўйилгани, мазкур ҳужжат талаблари тўла ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми 3-саҳифада)

Жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўланкаси тобора қуюқлашмоқда. Инқироз ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни чуқурроқ қамраб олмоқда. Бу эса мазкур давлатларда ишлаб чиқаришнинг пасайишига, ишсизликнинг ўсишига, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашувига олиб келмоқда.

ҚУТ-БАРАКА – ШУКРОНАЛИКДА

Бозорларимизда нарх-навонинг арзонлашаётгани – фаровонлигимиз кўзгусидир

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, айниқса, меҳнат бозорига кучли зарба берди. Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоботида қайд этилишича, 2009 йилда 1,4 миллиард киши, яъни сайёрамиз аҳолисининг чорак қисми қашшоқлик домига тушган. Инқирознинг салбий оқибатлари таъсири қўшни мамлакатларда ҳам яққол сезилмоқда. Хусусан, 2008 йилда улардан бирида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кутилганидан анча кам бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи сезиларли даражада ошмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон хўжалик ва иқтисодий-молиявий тизимига тобора чуқур интеграциялашиб бораётгани натижасида инқирознинг оқибатлари бизга ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти.

Лекин Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, юзага келган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг ўсишини таъминлашга эришилди. Хусусан, ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоиз, саноатда 12,7 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоиз, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди.

Бошқача айтганда, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислоҳ қилишни изчил ва босқичма-босқич амалга оширишнинг ўзига хос модели жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзининг нақадар тўғри ва истиқболли эканлигини янада яққолроқ намоён этмоқда.

Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсат, шу асосда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий йўналтирилганлиги, барча ислоҳот ва ўзгаришларнинг бош мақсади инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, юртимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш шароитини янада яхшилашга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида кўплаб мамлакатларда одамларнинг даромади пасайиб бораётган мураккаб бир шароитда, юртимизда янги иш ўринлари яратиш, меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсат ўз самараларини бермоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг ишончли захирасини яратиш, бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, бундай маҳсулотлар нархи-нинг барқарорлигини таъминлаш ва арзонлаштириш масаласига доимий эътибор қаратиб келинаётгани халқимиз фаровонлигини юксалтиришнинг яна бир муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир. Бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси раиси Зафар Файзиев қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ун, ўсимлик мойи, гўшт каби асосий озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи ошиши ва танқислигининг олдини олиш мақсадида уюшмамиз томонидан қўшимча равишда зарур миқдорда захира яратилиб, муайян тартиб асосида ички бозорга чиқарилаётгани бозорларимизда маҳсулотлар баҳосининг пасайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жорий йилда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари сезиларли даражада арзонлашди. Мисолларга мурожаат қилайлик. 2008 йилда Тошкент шаҳрида гўштнинг баҳоси ўртача 8000-9000 сўмни ташкил этган бўлса, жорий йил февраль ойида ўртача 6500-7000 сўмни, Қорақалпоғистон Республикасида 5500-6000 сўмни, Бухоро вилоятида 4500-5000 сўмни, Андижонда 5500-6500 сўмни ташкил этди. Гуручнинг нархи пойтахтимизда ўтган йили ўртача 3000-3500 сўм бўлган бўлса, ҳозир 1800-2500 сўмни, картошка 750-800 сўм ўрнига 350-600 сўмни, тухум 250-300 ўрнига 150-200 сўмни ташкил этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚИШЛОҚ АҲЛИ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Ванғози қишлоғи аҳолисининг бандлик даражасини ошириш, хусусан, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлашда тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Қишлоқда фаолият бошлаган «Ишчи-кийим-таъминот» хусусий корхонасида ўттиз нафарга яқин хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида 15 турдаги ишчи кийимлари тайёрланмоқда. Корхона маҳсулотларига қўшни вилоятлар ва пойтахтдаги саноат корхоналаридан ҳам буюртмалар тушаётир. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

– Иш фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида тўқув цехи ҳам очдик, – дейди хусусий корхона раҳбари Шароф Нарзиев. – Бунинг натижасида йигирма нафар йигит-қиз муқим иш ўрнига эга бўлди. Янги цехда дока ва бўз сингари матолар тўқиляпти. Айни пайтда ип йигириш ва гул босишга мўлжалланган технологияларни келтириб, маҳсулот турини ва иш ўринларини янада кўпайтириш, касаначилик имкониятларидан самарали фойдаланишни мўлжалламоқдамиз.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Навоий вилояти

Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2008 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида, республика ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунларини танқидий таҳлил қилсинлар ва 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган ҳамда зарур молиявий ва моддий маблағларнинг манбаларини, шунингдек, муддатларни, масъул бажарувчиларни ва уларнинг сўзсиз бажарилиши устидан назорат қилиш механизмини белгиласин ҳолда 2009 йилда маҳсулотларнинг талаб катта бўлган турларини ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтириш учун мавжуд ресурслар ва имкониятлардан энг кўп даражада фойдаланишни таъминлайдиган аниқ чора-тадбирлар комплексини тасдиқласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган прогнозларига эришиш бўйича 2009 йил иқтисодий дастурининг бажарилишини, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий кризисининг оқибатларини бартараф этиш ва уларга барҳам бериш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ҳар чоракда кўриб чиқсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплекси (Р.С.Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Ҳўжаев), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев), Молия вазирлиги (Гуськова), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Руломов) манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда 2009-2014 йилларда замонавий инновация технологияларини жорий этишга, рақобатбардошлиликни тўбдан оширишга ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни таъминловчи энг муҳим устувор лойиҳаларни амалга оширишнинг узоқ муддатли дастури лойиҳасини ишлаб чиқишни бир ой муддатда тугалласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Мазкур Дастур параметрлари яна бир бор аниқлаштирилсин ва Дастур барча ижрочилар, айниқса, жорижий иштирокчилар билан узил-кесил келишилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

тежамкорликнинг қатъий режимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатбардошлилигини ошириш бўйича;

озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, ички бозорни улар билан ишончли таъминлаш йўлидаги хайрли ишларнинг аҳамияти нечоғли беқиёс эканини янада чуқурроқ англаймиз.

Бозорларимиздаги бугунги файзу барака, дастурхонларимиз тўкинлиги замирида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ғалла мустақиллигига эришиш, аҳолининг ун ва нон маҳсулотлари, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш дастурларининг бажарилиши ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Р.Шоисматов ва Н.М.Ханов, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Тешабоев), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмуҳамедов), Иқтисодиёт вазирлиги (Ҳўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (Назаров), «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси (Вагапов), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Руломов) жорий йилнинг 10 мартигача бўлган муддатда:

иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари ўсиши динамикасини, энергия сарфи юқори бўлган ускуналарни фойдаланишдан чиқариш, энергияни кам сарфлайдиган ва энергия жиҳатидан самарали замонавий асбоб-ускуналар ҳамда технологияларни жорий этиш йўли билан ишлаб чиқариш йўқотишлари ва энергия сарфини камайтиришни, энергиянинг ноанъанавий ва тикланадиган манбаларидан фойдаланишни янада ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлашни назарда тутадиган 2009-2013 йилларда электр энергетикасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини тасдиқлаш бўйича;

магистрал ва маҳаллий тармоқлар бўйича узатишда электр энергияси нобудгарчилигини камайтириш учун электр энергетикаси корхоналарининг тармоқ хўжалигини модернизация қилишни, вилоятларда аҳоли, ишлаб чиқариш объектлари ва хизматлар соҳаси объектларини электр энергияси билан кафолатли, узлуксиз таъминлаш учун зонал кичик станциялар ташкил этишни назарда тутадиган 2009-2015 йиллар даврида энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш дастурини тасдиқлаш бўйича;

2009 йилда йирик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, 2010-2012 йилларда — шаҳарларнинг бошқа истеъмолчилари томонидан 2012-2015 йилларда — қишлоқ истеъмолчилари томонидан электр энергияси истеъмол қилинишини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳалари киритилишини таъминласинлар.

7. Бош вазирнинг ўринбосарлари Э.Р.Шоисматов ва У.У.Розуқулов «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (Назаров), «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси (Юсупов), «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (Избосаров), Навоий кон-металлургия комбинати (Санақулов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев), Иқтисодиёт вазирлиги (Ҳўжаев) билан биргаликда жорий йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда маҳаллийлаштириладиган машинасозлик асбоб-ускуналари, шу жумладан, нефть-газ ишларини амалга ошириш учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги хомашёсини ва минерал хомашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши хорижий аналоглар, мини-технологиялар асосида кичик корхоналар учун инструментал асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, асбоб-ускуналар, машина ва агрегатлар ишлаб чиқаришни тубдан кенгайтириш бўйича таклифлар тақдим этсинлар.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев) Иқтисодиёт вазирлиги (Ҳўжаев), Давлат божхона қўмитаси (Носиров), Марказий банк (Муллажонов) ва «Ўзстандарт» агентлиги (Абдувалиев) билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Маҳаллийлаштириш дастурида назарда тутилган 2009 йилда импорт қилиш кўрсаткичларига тузатиш киритиш юзасидан таклифлар киритсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналар томонидан Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида тузилган контрактларнинг бажарилиши, шунингдек, унга маҳаллийлаштирилган маҳсулот қўйилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин, натижалари ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида кўриб чиқилсин.

8. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) бир ой муддатда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни, энг аввало, енгил ва озиқ-овқат саноатидаги корхоналарни муфассал ўрганиб чиқсин ҳамда банкрот корхоналарни таркибий ўзгартириш, уларни тижорат банкларига сотиш билан боғлиқ зарур қарорлар қабул қилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича ўзлари бошчилик қиладиган ҳудудий комиссиялар орқали Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органлари, хўжалик, жамоат тузилмалари ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг аниқ ҳиссасига баҳо берган ҳолда Дастур тадбирларининг ижроси юзасидан қатъий мониторинг олиб борилишини ва уларнинг сўзсиз бажарилишини ташкил этишни таъминласинлар.

10. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) икки ой муддатда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес учун имтиёзлар ва рағбатлар кенгайтирилишини ҳамда янги имтиёзлар ва рағбатлар берилишини, умуман, қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантиришни, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлашни, унинг ижтимоий-сиёсий мақоми мустаҳкамланишини назарда тутадиган қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов), «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси (Арабов) Иқтисодиёт вазирлиги (Ҳўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (Акрамов), «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси (Шодиев) билан биргаликда:

минтақаларнинг иқлим, демографик ва бошқа шароитларини ҳисобга олиб, ҳудудларни архитектуравий режалаштирган ҳолда қуришнинг бош режалари, қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий инфратузилма объектларининг бирхиллаштирилган намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилишини;

жорий йилнинг 20 мартигача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда – йиғма, композицион ва майда блокли конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

12. Марказий банк (Муллажонов) Молия вазирлиги (Гуськова), Иқтисодиёт вазирлиги (Ҳўжаев), «Даврархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов), бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига минтақавий бўлимлар тармоғига эга бўлган, қишлоқ қурилиши бўйича ихтисослаштирилган банк ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари икки ой муддатда:

«Ўзқурилишматериаллари» компанияси (Акрамов) билан биргаликда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, пишиқ ғишт, томга ёпиладиган материаллар, безак ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш бўйича мини-технологияларни жорий этиш, норуда материалларнинг ишлаб тўрган конларини тиклаш ва реконструкция қилиш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқсинлар;

намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш бўйича туманларда хусусий ихтисослаштирилган пудрат корхоналари ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқсинлар, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда кўмаклашсинлар;

ҳар бир туман бўйича 2009-2011 йилларда қишлоқда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, уларни хомашё базаси билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда қабул қилсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Ҳўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда қишлоқ жойлардаги инфратузилмани танқидий баҳоласинлар ва уни кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш тўғрисида аниқ таклифлар ишлаб чиқсинлар, бунда қишлоқ жойларда аҳолининг бандлигини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишни назарда тутсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти (Юсупов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Исмоилов) «Даврархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов) билан биргаликда:

жорий йилнинг 1 майигача бўлган муддатда – 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурига мувофиқ 2009 йилда амалга ошириш назарда тутилган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ва сифатли экспертизадан ўтказилишини таъминласинлар;

бажариладиган мелиоратив ишларнинг сифати ва ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) манфаатдор вазирликлар ва идоралари жалб этган ҳолда, бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, унда архитектуравий режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қийматини камайтиришни, кичик бизнес учун экологик экспертизанинг соддалаштирилган тартиботини жорий этиш ва уни амалга ошириш тарифларини камайтиришни, шунингдек, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тарифларини ва давлат мулки бўлган биноларни ижарага бериш тўловларини камайтириш чора-тадбирларини назарда тутсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Қодиров) Адлия вазирлиги (Мухитдинов) ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига риоя этилиши, рухсатномалар олишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилмаслиги устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

16. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), Иқтисодиёт вазирлиги (Ҳўжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда:

2007-2010 йилларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг бажарилишини танқидий ўрганиб чиқсинлар, қўйилган вазифалар бажарилмаганлиги сабабларини аниқласинлар ва зарур бўлган ҳолларда тегишли тузатишлар киритсинлар;

хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурларини тубдан қайта кўриб чиқсинлар ва одамларнинг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашнинг ва қишлоқ турмуши сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар, бунда кўрсатилаётган хизматларнинг турларини кўпайтириш учун хусусий секторга зарур бўлган шарт-шароитлар яратилишига алоҳида эътибор берсинлар.

17. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хаитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Парпиев), тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳри бўйича 2009 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Дастурда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, шу жумладан, йўллар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича қурилиш ишларини бажаришга кенг жалб этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар ва сервис соҳасини, чорвачилик ва касаначиликни ривожлантириш, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва тижорат банкларининг маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш, бунда иш билан банд бўлмаган аҳолининг юқори даражаси кузатилаётган туманлар ва шаҳарларга, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти асосида турар-жой фонди объектларини режалаштириш, дизайнини ишлаб чиқиш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни амалга оширадиган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни, уларни иш кўлами билан таъминласинлар. Ушбу мақсадларда:

фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эски турар-жойларни, кўп квартирали уйлардаги бўш турган жойларни, шу жумладан, ётоқхоналарни ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш юзасидан, идоравий мансублигидан қатъи назар, турар-жой фондини икки ой муддатда ялпи хатловдан ўтказсинлар ва уларни маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфига беришни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур қарорлар қабул қилсинлар;

хатлов якунлари бўйича турар-жой фондининг кўрсатиб ўтилган объектларини мукаммал реконструкция қилиш ва таъмирлашнинг аниқ дастурларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (Муллажонов) тижорат банклари ва уларнинг муассислари билан биргаликда:

банкларнинг устав капиталлари миқдорини тасдиқланган параметрларга етказган ҳолда уларнинг капиталлашуви даражасини оширишни белгиланган тартибда ва муддатларда таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Ҳўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) билан биргаликда икки ой муддатда жамғармаларнинг банк тизимига оқимини тўхтатиб турган омилларни пухта таҳлил қилсин ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини депозитларга жалб этишни янада рағбатлантириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин;

банкларнинг барча филиаллари томонидан аҳолининг омонатлари бўйича нақд пул маблағлари мижознинг биринчи талабига кўра берилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин. Аҳолига уларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини беришнинг белгиланган тартибини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда тижорат банклари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари ва филиаллари раҳбарларига нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод қилишга бўлган қатъий чоралар кўрилсин;

тижорат банкларига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юкланганлиги муносабати билан тижорат банклари ишини тубдан қайта қуриш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсин. Бир ой муддатда тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш ва молиялаштиришни бошлаш билан шуғулланадиган махсус хизматлари юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлансин.

20. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
2009 йил 13 февраль

ҚУТ-БАРАКА — ШУКРОНАЛИКДА

Бозорларимизда нарх-навонинг арзонлашаётгани – фаровонлигимиз кўзгусидир

(Боши 1-саҳифада)

Бугунги кунда Тошкент бозорларида олий навли уннинг бир килоси 600 сўмдан, 1-навли ун 450 сўмдан, қадоқланган пахта мойи 1850-2050 сўмдан, балиқ 500 дан 2500 сўмгача, пиёз 450 дан 850 сўмгача, сабзи 150 дан 350 сўмгача, карам 150 дан 400 сўмгача, мош, нўхат, ловия 900 дан 1500 сўмгача сотилмоқда. Олма, анор, нок ва бошқа меваларнинг баҳоси ҳам 2008 йилга нисбатан 30-40 фоиз пасайган. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида, жумладан, қишлоқ туманларида нархнаво бундан ҳам арзонлашган. Хусусан, сабзавот ва мевалар, гўштнинг нархи пойтахтдагидан бирмунча паст.

Уюшмамиз томонидан ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш мақсадида жорий йилнинг март ва апрель ойларида 80 минг тоннадан, май ойида эса 68 минг тонна маҳсулотни арзон нархларда савдога чиқариш кўзда тутилган. Умуман, 2009 йилда мамлакатимиз аҳолисини ун, ўсимлик мойи, гуруч, шакар ва бошқа муҳим ижтимоий озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бир маромда таъминлаш учун етарли захира мавжуд.

Жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб бораётганини эътиборга олсак, халқимизни бундай маҳсулотлар билан мақбул нархларда, ишончли таъминлаш йўлидаги хайрли ишларнинг аҳамияти нечоғли беқиёс эканини янада чуқурроқ англаймиз.

Бозорларимиздаги бугунги файзу барака, дастурхонларимиз тўкинлиги замирида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ғалла мустақиллигига эришиш, аҳолининг ун ва нон маҳсулотлари, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган ва муваффақиятли ҳал этилгани мужассам эканлигини таъкидлаш жоиз.

Бир пайтлар асосан пахта етиштириб, бошқа маҳсулотларни четдан келтиришга мажбур эдик. Қора лойга беланган, бизга етиб келгунча музлаб қолган картошка ҳам талаш бўлган замонлар ҳамон кўпчиликнинг ёдида. Минг шукрки, бугун мамлакатимиз буғдой, ун, мева-сабзавот, қуруқ мевалар, узум, полиз маҳсулотлари каби ўта зарур озиқ-овқат товарлари билан нафақат ўз ички эҳтиёжларини тўлиқ таъминлямоқда, балки уларни экспорт ҳам қилмоқда. Халқимизнинг нон, гўшт ва сут маҳсулотлари, гуруч, картошкага бўлган талаби ўзимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобидан тўлиқ таъминланмоқда.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилаётгани ва янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилаётгани ички истеъмол бозорининг узлуксиз тўлдирилишига хизмат қилаётир. 2008 йилда мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга оширириш натижасида озиқ-овқат саноатида 145 та объект ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми тобора кўпайиб боришида ернинг фермерларга топширилиши, фермерликни ривожлантиришга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани муҳим омил бўлаётир.

Қишлоқ хўжалигида эришилаётган марралар замирида, аввало, соҳада янгича иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар жорий этилгани мужассамдир. Энг асосийси, халқимиз ризқ-рўзи манбаи бўлган ернинг ҳақиқий эгасига топширилгани, мулкдорлик ҳисси ҳар бир заминдорнинг онгу шуурига чуқур кириб бораётгани, уларда ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгаргани бундай ютуқларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан оилаларга чорва моллар тарқатилиши қишлоқ аҳли учун катта кўмак бўлиши баробарида гўшт, сут ва сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта ўрин тутмоқда.

Аҳолининг шахсий томорқаси ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш, мазкур соҳадаги сервис хизматлари тармоғини такомиллаштириш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётир. Чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йили аҳолига кимошди савдоларида 20 мингдан зиёд қорамол сотилди. Қорамол сотиб олиш учун 48 миллиард 200 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу борадаги ишлар натижасида гўшт, сут ва сут маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда ва, табиийки, нархи ҳам арзонлашмоқда.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини янада ошириш, уларнинг турини кўпайтириш ва шу асосда аҳолининг бу борадаги талабини тўлароқ қондириш, турмуш даражасини юксалтириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида бозорларимиз янада тўкин, дастурхонларимиз файзли бўлишига шубҳа йўқ.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 17 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	918,02	1 Малайзия рингги	389,23
1 Англия фунт стерлинги	2097,64	1 Польша злотийси	388,65
1 Дания кронаси	241,29	1 Туркия лираси	849,84
1 БАА дирҳами	382,95	1 Швейцария франки	1207,08
1 АҚШ доллари	1406,49	1 ЕВРО	1838,85
1 Миср фунти	253,38	10 Жанубий Корея вони	9,93
1 Исландия кронаси	12,33	10 Япония иенаси	153,61
1 Канада доллари	1131,53	1 Россия рубли	40,70
1 Хитой юани	205,83	1 Украина гривнаси	182,66

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БОШ МАҚСАД — ЮРТ ОБОДЛИГИ, ҲАЁТ ФАРОВОНЛИГИ

(Боши 1-саҳифада)

Дастурнинг энг муҳим йўналишларидан бири қишлоқ аҳолиси манфаатларини яна ҳам тўлиқроқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдир. Жорий йилда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, "Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларини тежамкорлик билан ишлатиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилиниши кўзда тутилган. Ушбу қонун лойиҳаларини қабул қилиш орқали, ўндан ортиқ амалдаги қонунларимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

Қишлоқ жойларда уй-жой ва инфраструктура объектларини қуриш ва таъмирлаш учун махсус қурилиш ташкилотларини ташкил қилиш ҳамда ушбу ишларни амалга оширишда молиявий маблағлар билан таъминлаш мақсадида махсус тижорат банки ташкил этиш ва шу банк филиалларини барча ҳудудларда очиш кўзда тутилган.

Ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари, маданий-маиший объектлар қурилиши, ҳар бир қишлоқ учун алоҳида намунавий лойиҳалар ишлаб чиқиш белгиланган. Демак, бунинг натижасида 20 мингдан зиёд оилаларнинг яшаш шароитлари яхшиланади, қишлоқларимизнинг кўркига-кўрк қўшилади.

Дастурнинг яна бир муҳим йўналиши қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани янада ривожлантириш орқали қишлоқлардаги турмуш даражасини юқори сифатга кўтариш масаласидир.

Йил давомида қишлоқ жойлардаги 1914 километр йўлларни таъмирлаш учун 45 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашни амалга ошириш мақсадида 56 миллиард 805 миллион сўм маблағ сарф қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Навоий вилоятларида истиқомат қилувчи юз минглаб аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида халқаро молия муассасалари кредитларини жалб этиш кўзда тутилган.

Дастурда қишлоқ жойларда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш мақсадида 140 мингта янги иш ўрни яратилиши, 452 та савдо шохобчалари, 126 та умумий овқатланиш, 1856 та маиший хизмат кўрсатиш объектларини ишга туширш белгиланган. Ушбу мақсад учун 30 миллиард 169 миллион сўм маблағ ажратилмоқда. Яна бир қувончли янгилик 2009-2015 йилларда ҳар бир қишлоқда биттадан минибанк очилади.

Қишлоқларда маҳаллий хомашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, мавжудларини кенгайтириш, барча вилоятларда замонавий ғишт ишлаб чиқарувчи заводлар қуриш дастурда алоҳида қайд этилган. Бу ўз навбатида қўшимча ишчи ўринларини яратишга, қурилиш материаллари нархининг арзонлашувига имкон беради.

Ҳозирда қишлоқ жойлардаги мавжуд энергия ва газ таъминоти иншоотларини реконструкция қилиш ва шундай янги объектлар қуриш ҳисобига қишлоқ жойларни зарур ёнилғи-энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш бўйича шарт-шароитлар яратиш муҳимдир. Бу мақсадлар учун 271 миллиард 550 миллион сўм маблағ ажратиш белгиланган. Шунингдек, олис қишлоқ жойларда яшаётган аҳолига суюлтирилган газ ва кўмир етказиб бериш хизматларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Дастурнинг яна бир муҳим йўналиши қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади. Банк кредитлари ва лизинг орқали фермерларни техника билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Кредитлар ҳисобига қорамоллар олиб келиш, зооветеринария пунктларини очиш, ҳар бир туманда 2 тадан паррандачилик фермаларини ташкил этиш, озуқа экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш белгилаб берилган.

Еримиз, тупроғимиз унумдорлигини доимий равишда ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдек ўта долзарб масалага эътибор янада кучайтирилмоқда. Ушбу хайрли мақсадни рўёбга чиқариш учун махсус техника ва механизмлар сотиб олиш, коллектор-дренаж тизимларини таъмирлаш ва янгидан қуриш, ирригация тизимларини таъмирлаш, насос станциялари ва скважиналарни қуришга 195 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилгани айни муддао. Республикамизда 3710 гектар майдонда томчилатиб суғоришни жорий этиш режалаштирилган. Сув хўжалиги тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 142,41 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестициялари киритиш мўлжалланмоқда.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, ихчам ва замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, хизмат ва сервис шохобчаларини кўпайтириш ҳисобига ёшларни иш билан таъминлаш учун 202 миллиард сўм маблағ ажратилгани туфайли 100 минглаб янги ишчи ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича энг замонавий технологияларга асосланган корхоналарни ташкил этиш учун эса 13,3 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда. Кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига 110 мингта ишчи ўрни яратиш белгиланган. Республикамизнинг ҳар бир қишлоғидан камида 50 та кам таминланган оилага биттадан қорамол олиб бериш учун 5 миллиард 300 миллион сўм кредит ажратиш мўлжалланган.

Инсон саломатлиги энг катта бойлик. Қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини ошириш, қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш, тегишли тиббий ва лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш, махсус транспорт воситалари билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар белгиланмоқда. Ушбу мақсадларга 26 миллион 349,6 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилмоқда. Қишлоқлардаги "Мурувват уйлари"ни, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор берилмоқда.

Йил давомида 6 та академик лицей ва 164 та касб-ҳунар коллежлари, янги қурилган ва реконструкция қилинган 207 минг 562 ўқувчи ўрнига эга бўлган 733 та умумтаълим мактабларини фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Мактабларни мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан таъминлаш, болалар спорт объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун маблағлар ажратилган.

Дастурда қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ бирорта соҳа четда қолиб кетмаган. Барча соҳа кенг ва комплекс қамраб олинган, вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Президент Ислом Каримов 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида яқинда тасдиқланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури устувор йўналишлари ва уни амалга ошириш нафақат 2009 йил, балки ўрта муддатли истиқбол учун белгилаб олинганини алоҳида таъкидлади. Ҳа, қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга, охир-оқибатда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини, унинг онги ва фуқаролик масъулиятини оширишга қаратилган вазифаларни бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар бажарилиши шарофати билан қишлоқларимиз янада тараққий этиб, аҳоли турмуши бундан-да фаровонлашишига шак-шубҳа қолмайди. Ўйлаймизки, ўзини шу Ватан фарзанди деб билган, шу юрт тақдирига тақдирни боғлаган ҳар бир киши бу хайрли юмушларни бажаришга муносиб ҳиссасини қўшади.

Бахтияр КУШАКАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси.

Наманган вилояти

"Пахта Банк"нинг мамлакатимиз агросаноат комплексини молиявий қувватлаш борасидаги салоҳияти кейинги йилларда ошиб бораётир. Буни ушбу банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси фаолиятида ҳам кўриш мумкин. 2008 йили қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар учун 1663,8 миллион сўм кредит ажратиб берилди.

БАНК МАДАДИ — ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари билан боғлиқ Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш доимий эътиборимизда, — дейди "Пахта Банк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Носир Эшчонов. — Фермерлар 2008 йили ажратилган кредитлар эвазига 553 миллион сўмга "Класс-Доминатор-130", "Дон-1500" русумли комбайнларни, 342,8 миллион сўмга 19 та "ВТ-150" русумли, 78,8 миллион сўмга 8 та "ТТЗ-80" русумли тракторлар, 395,3 миллион сўмга 12 та "Белорус" русумли техника воситалари, 135,9 миллион сўмга бошқа техникалар, 134 миллион сўмга эҳтиёт қисмлар сотиб олишди. Бу техника воситалари деҳқонларимиз мушкулини осон қилиш билан бирга, мўл ҳосил олишга замин яратмоқда.

Шу ўринда қуйидаги мисолларни келтириш жоиз. Амударё туманидаги "Оламберган ҳожи бобо" фермер хўжалиги "Класс Доминатор-130" русумли ўрим комбайнини, Элликқалъа туманидаги "Қирқиз элитаси" фермер хўжалиги "ВТ-150" русумли тракторни кредит орқали сотиб олди. Чорва молларини кўпайтиришда ҳам "Пахта Банк" яқин кўмакчи бўлмоқда. 2008 йили 8 миллион сўм чорва моллари учун, 3 та фермер хўжалигига эса сув насослари сотиб олишга 42 миллион сўм, мева-сабзавот етиштириш учун 235,3 миллион сўм кредит ажратилди. Кўриниб турибдики, "Пахта Банк"нинг деҳқон ва чорвадорлар учун кўрсатаётган хизматлари кўлами кенгайиб бораётир. Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси тизими 4 мингдан ошиқ мулк соҳибларига хизмат кўрсатаётир. 2008 йили контрактация шартномаси тузган фермер хўжаликлари 2734 тани ташкил этади. Пахта ҳосили етиштириш учун фермер хўжаликларига 18814,8 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ғалла ҳосили учун эса 2306 та фермер хўжаликларига 1569,8 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Банк томонидан ҳозирда ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредит ажратиш ишлари доимий эътиборда.

— Миришкорлар учун яқин кўмакчи сифатида иш олиб бораяпмиз, — дейди банкнинг Хўжайли тумани бўлими бошқарувчиси Роҳат Мадаминов. — Ҳозирда туман миқёсида 228 нафар фермер иш олиб бораяпти. Уларга 2008 йил пахта ҳосили учун 1 миллиард 667,6 миллион, ғалла ҳосили учун эса 54 миллион 797 минг сўм имтиёзли кредит ажратилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган тижорат кредити 328 миллион 200 минг сўмни ташкил этди. Шундан техникалар учун 218,4 миллион, эҳтиёт қисмлар учун 109,8 миллион сўм, ҳукуматимизнинг қарори бўйича 17 оилавий тадбиркорга 12 миллион 750 минг сўмлик кредит ажратилди. Банкнинг Хўжайли тумани кредит бўлими бошлиғи Илҳом Ўтемуродовнинг таъкидлашича, туман деҳқон ва фермер хўжаликларига кредит ажратиш ишлари 2009 йилда ҳам изчил давом этмоқда.

2008 йили кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларига ишлаб чиқариш фаолиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришлари учун 1309 та мижозга 3156,8 миллион сўм кредит ва микрокредитлар ажратилди. Бунинг натижасида яратилган янги ишчи ўринлари ҳисобидан 1797 нафар одам иш билан таъминланди. 898 та лойиҳага 2153,3 миллион, шу жумладан саноатга 451 миллион, қишлоқ хўжалигига 964,3 миллион, қурилиш ва маиший хизматга 361,2 миллион ва бошқа тармоқларга 69,2 миллион сўм миқдорида кредит ва микрокредитлар ажратилган.

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Азербай Курбониязовнинг маълум қилишича, бандлик ва деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бўйича 411 та лойиҳа учун 1003,5 миллион сўм ажратилган. Шу кредитлар ҳисобидан туманларда 632 та янги ишчи ўринлари ташкил қилинди.

Қорақалпоғистон Республикасида пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтиришда Кегайли тумани деҳқонларининг ҳам улушлари бор. Албатта, у ҳам "Пахта Банк"нинг туман бўлими кўмагида амалга оширилмоқда. Мазкур бўлимга ҳаётий тажрибага эга бўлган Аҳмад Қаипов бошчилик қилади. Ҳар бир ишни пухта адо этадиган, ҳамкасблари ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган мутахассис жамоада амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— 2008 йилда ғалла ҳосили учун туман миқёсида 138 фермерга жами 161,8 миллион, жумладан пахта ҳосили учун 137 та фермер хўжалигига 1 миллиард 43 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит берилди. 2 та фермер хўжалигига ВТ-150 русумли трактор сотиб олиш учун 66404 минг сўм, 1 фермер хўжалигига иссиқхона қуриш учун 20 миллион сўм кредит ажратилди. Президентимизнинг "Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан туман миқёсида 54 фуқарога чорва моллари сотиб олиш учун 58,3 миллион сўм кредит ажратилди. Бу ҳам кегайлилик чорвадорларнинг турмуш шароитини юксалтириш, ижтимоий муҳофазалаш йўлидаги муҳим саъй-ҳаракатлардан бири бўлди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка нуқталарида фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермерлар мулкдор сифатида юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишаяпти. Бу йўлда уларга "Пахта Банк" энг яқин кўмакчи бўлмоқда.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

○ *Хизмат*

Тарадду

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Уйчи тумани муқобил машина-трактор парки очиқ акциядорлик жамиятида 125 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ахил жамоа баҳорги экиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўришди.

— Техникаларнинг барчаси деҳқонлар хизматига шай қилиб қўйилди, — дейди механизация бўлими бошлиғи Абдулазиз Абдуқаҳҳоров. — Мавсумни тез ва сифатли ўтказиш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга соламиз.

— Бизга яратилган шароит ва масъулият ҳисси ишларимизни сифатли бажаришга омил бўлмоқда, — дейди токарь Шерзод Жабборов.

СУРАТДА: *токарь Шерзод Жабборов билан Абдулазиз Абдуқаҳҳоров.*

Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.

Наманган вилояти

○ *Агромаслаҳатхона*

ҒАЛЛАКОР нинг БУГУНГИ ЮМУШЛАРИ

Айни кунларда амалга ошириладиган энг муҳим тадбирлардан бири бу ғалла майсаларининг қишловдан қай ҳолатда чиққанлигини аниқлаш ҳамда биринчи озиқлантиришни ўтказиш ҳисобланади. Республика ҳудуди ҳамда об-ҳавога қараб ушбу тадбирнинг тахминий муддати 10-25 февралга тўғри келади.

Эрта баҳорги озиқлантириш биринчи навбатда кеч муддатларда экилиб, қишловдан қийинчилик билан чиққан майдонларда, ундан сўнг уруғлик етиштириш учун экилган майдонларда ўтказилиши тавсия этилади. Қишловга тупламасдан кирган ҳамда қишловдан қийинчилик билан чиққан майсаларни қўшимча тарзда озиқлантиришга алоҳида эътибор билан ёндашиш зарур.

Мазкур тадбир кўчат қалинлигини барқарорлаштиради. Ўсимликда тупланиш жараёнини жадаллаштиради, 1 м²да 550-600 тагача маҳсулдор поя ҳосил қилишга эришилади. Уни ўз муддатида ўтказиш бир гектар ердан 4-6 центнергача қўшимча ҳосил олиш имкониятини яратади.

Эрта баҳорги озиқлантириш учун азотли ўғитлар меъёрини аниқлашда майсаларнинг ўсиш жараёни бошланиши муҳим аҳамиятга эга. Биринчи озиқлантиришда азотли ўғитларнинг йиллик меъёрининг 25 фозини бериш тавсия этилади. Агар ўсимликда ўсиш жараёни кеч бошланган бўлса, ҳаво ҳароратининг ижобий натижа кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, майсалар ривожи сust бўлган майдонларга, албатта, маҳаллий ўғит билан ишлов берилиши шарт.

Озиқлантиришда эътибор қаратиладиган яна бир жиҳат шуки, республикада экилган навларнинг биологик хусусиятлари – эртапишарлиги ("Чиллаки", "Кума", "Андижон-4", "Бобур", "Марс-1"), ўртапишарлиги ("Крошка", "Восторг", "Нота", "Таня", "Купава", "Краснодарская-99", "Андижон-2") ва кечпишарлиги ("Половчанка", "Умманка", "Княжна", "Память", "Андижон-1", "Дурдона") муҳим аҳамиятга эга. Чунки, эртапишар навлар бошқаларига нисбатан 7-10 кун илгари найчалаш босқичига киради. Бу ушбу навдаги ғалла майсаларини 10 кун олдин озиқлантиришни талаб этади.

Февраль ойининг охирларида дала кузатувчи агрономлар хулосаларига кўра, касалликлар, зараркунанда ва ҳашаротлар ҳамда бегона ўтлардан зарарланган майдонлар аниқланиши зарур. Қиш ойларининг илиқ келиши кузги бошоқли экинлар майдонида зараркунандалар ҳамда бегона ўтларнинг кўпайишига шароит яратади. Шу боис уларга қарши кураш чораларини кўриш, талаб этиладиган гербицидлар, фунгицидлар ва пестицидлар захирасини тайёрлаш бугуннинг долзарб вазифалари сирасига киради.

Ғаллазорларда доимо учрайдиган, ушбу экиннинг ашаддий зараркунандалари мавжуд. Йилнинг қурғоқчил келиши ана шундай ҳашаротлардан – буғдой трипси, шиллиқ қурт (Пьявица)нинг кўпайишига шароит яратади. Ушбу ҳашаротларнинг зарари катта бўлиб, ҳосилдорликни 50 фоизгача камайтириб юбориши мумкин. Бу эса уларни назорат этиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Кузги буғдой экилган майдонларда учрайдиган энг асосий бегона ўтлар жағ-жағ, эшак шўра, олабўта, қўйпечак, мингдевона, итузум, қамиш, семизўт, какра ҳамда қўйтикандир. Бегона ўтларга қарши кимёвий усулда кураш гербицидлар ёрдамида олиб борилади. Уларни қўллашнинг энг қулай вақти майсаларнинг тупланиш босқичидадир. Гербицидларнинг бегона ўтларга қарши таъсири ҳаво қуруқ ва шамол тиним даврида ҳарорат 18-20 даража илиқ бўлганда юқори бўлади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ИМКОНИЯТИ

Ишни комплекс ташкил этиш уни янада ёрқин намоён этмоқда

"Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компаниясининг Қарши-Термиз минтақавий темир йўл узели қошида ёрдамчи хўжалик — "Наврўз" наслчилик-чорвачилик мажмуаси фаолият кўрсатмоқда. У Термиз туманидаги Наврўз қишлоғида жойлашган бўлиб, айни пайтда 211 гектар ер майдонига эга.

– Ишни такомиллаштиришда Юртбошимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилди, — дейди мажмуа директори Байит Муҳаммадиев. — Белоруснинг Витебск шаҳридан 58 бош йирик шохли наслли, Польшадан юз бош "Голштейн" зотли қора-ола наслли йирик шохли қорамоллар келтирилди. Ҳозирги кунда уларда 432 бош соғлом бузоқ олинди. Бундан ташқари, Германиядан 165 бош "Голштейн" зотли йирик шохли қорамоллар келтириш юзасидан контракт-шартномаларини имзолаганмиз.

Мажмуада сутни қайта ишлаш мини-технологияси фойдаланишга топширилгач иш ривожи янада ошди. Бир тоннадан ортиқ сутни қайта ишлайдиган бу замонавий жиҳоз билан етти турдаги маҳсулот тайёрланади. Германиядан энг сўнгги русумдаги соғиш зали келтирилиши режалаштирилган. Ҳар бири 200 бош қорамолга мўлжалланган 2 та сигирхона, ёзги айвон қурилиб, ишга туширилди. Бузоқхона, даволаш хоналари қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Сунъий қочириш хонаси ҳам етарли даражада асбоб-ускуналар билан таъминланди. 12 нафар малакали мутахассис, 44 нафар ишчи-хизматчи сут ва сут маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

3 та МТЗ-80 Белорус, 1 та Т-4А "Олтой" ҳайдов трактори, 1 та Россиянинг "Морал-125" русумли микроавтобуси чорвадорлар оғирини енгил, юмушини осон қилмоқда. Ёз ва куз ойларида тайёрланган 1565 тонна силос, 135 тонна беда, 70 тонна кучли озуқа қорамолларга белгиланган рацион асосида берилаяпти.

Чорвачилик

– Ҳар бир бош зотли наслдор сигирга 60 кг. дан озуқа, 5-6 кг. кучли озуқа, туз берилаяпти. Бу эса говмишларнинг ҳар бир бошидан кунига 25 литрдан сут соғиб олиш имконини беради, — дейди мажмуа бош ветеринария врачи Нортожи Алимардонов. — Қорамолларни вақти-вақтида ветеринария кўригидан ўтказиб турибмиз. Бу эса ўз натижасини бераяпти. Ҳалигача бирон-бир бош қорамол касалликка чалинмади.

– 2008 йилда 51 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, — дейди бош иқтисодчи Холтожи Турдиев. — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" охирига бориб кунига 2 тонна сут ишлаб чиқарамиз. Ялпи даромадимиз 450-500 миллион сўм бўлади. Соф фойда эса 80 миллион сўмга яқинлашади. Мутахассис, ишчи-хизматчилар сони 100 нафарга етади. Шунингдек, хориждан гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини-технология келтиришни режалаштираяпмиз.

Мажмуада чорвачилик ривожининг бош омили – унинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Рож, арпа, сули экилди. Март ойи охирида 100 гектар ерга эртаги экинлар уруғи қадалади. 50 гектар ерда эса бедазорлар барпо этилади. Озуқа экинлари учун яна 500 гектар ер майдони қўшилади. Суғориладиган майдонларда оби-ҳаёт таъминотини яхшилаш йўлида 31 миллион сўмга СНБ-75 русумли 2 та насос, трансформаторлар олиб келинади. Мажмуада меҳнат қилаётганлар учун турар-жой бинолари қурилади. Қорамолларнинг умумий сони минг бошдан ошади. Қишлоқда бандлик масаласида кескин ижобий силжишга эришилади. 187-200 нафар киши бевосита иҳтимоий фойдали меҳнатга тортилади.

Мажмуанинг янгиликка интилган, эл фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган жамоаси катта ютуқларга эришаяпти. Бунинг асосий омили соҳа ривожига қаратилган эътибор, эркин ишлаш учун яратилган имкониятлардир. Буни дилдан ҳис қилган жамоа юксак мақсадлар масъулиятини янада оширмоқдалар.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сурхондарё вилояти

Бола бахшининг бахши боласи

Норбек бахши – Абдулла Курбонназаров асли хивалик бахшилар авлодидан. Отаси Бола бахши номи билан элга машҳур бўлган. Норбек бахши Тошкент Давлат Маданият институтидаги таҳсилни тамомлагач, бир неча йил марҳум Комилжон Отаниёзов раҳбарлигидаги ансамблда хизмат қилган. Кейинги йигирма йил мобайнида "Достон" фольклор-этнографик халқ ансамблига раҳбарлик қилиб келаётир. 2000 йилда Президентимиз Фармонига биноан мамлакатимизнинг юксак мукофотларидан бири — "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвонига сазовор бўлган.

Норбек бахши достончилик йўналиши бўйича республикамизда, шунингдек, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Қирғизистон, Доғистон, Озарбойжонда ўтказилган нуфузли танловлар ғолиби. Бундан ташқари, бахши Украина, Москва, Бишкек, Япония, Корея, Бельгия, Германия каби жами 33 та мамлакатда ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек достончилиги санъати довруғини дунёга танитган.

Айни кунларда 60 ёшини қаршилаётган Норбек бахши ўзининг ижодий фаолияти, бахшилик санъатининг ўзига хос жиҳатлари хусусида қуйидаги фикрларни билдирди.

— Ҳақиқий санъатнинг енгилмас кучи шундаки, у на масофа, на миллат танлайди. Қўшиқ, куй бамисли санъаткорнинг қалби қаридан отилган вулқон — у ўз ҳарорати ва самимийлиги билан инсонлар қалбини забт этади. Шу боис, маҳоратли санъаткор қаерда ва қайси лаҳжада куйламасин, агар у юракдан тўлиб-тошиб куйласа, қалбларни бирдай жунбушга келтиради, гўзалликка, эзгуликка ошно этади. Айниқса, мардлик, қаҳрамонлик, меҳр-шафқат, инсонийлик ғоялари мадҳ этилган достон қўшиқларининг инсонлар қалбига йўл топиш қуввати катта. Қўшиқ, энг аввало, аҳиллик, дўстлик, тинчлик элчиси. Дунё кезиб достон айтган пайтларимда шундай хулосага келганман.

Аслида достон айтиш, бахшилик бизларга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган мерос. Азалдан ота-боболаримиз қози ва овози билан эл эътиборини қозониб яшашган. Отам олти ёшидан давраларда қўшиқ айтишни бошлаб "Бола бахши" деган номга сазовор бўлган. 1938 йилда отамизга "Ўзбекистон халқ достончиси" унвони берилган. Укаларим Матназар, Матёқуб, Етмишбойлар билан отамизнинг изидан бордик — кўп йиллардан буён элга хизмат қилиб, отамиз руҳини шод этмоқдамиз.

Биринчи бора халқ олдига чиқиб қўшиқ айтганим ҳали-ҳали эсимда. 1954 йил эди, ҳали мактабга ҳам бормас эдим. У пайтлари катта халқ сайл-томошалари бозорларда ўтарди. "Бола бахши қўшиқ айтармиш, зўр томоша бўлади" деган овозани эшитиб, эл-улус бозор томон оқиб келарди. Ана шундай томошаларнинг бирида отам мени халққа таништириб, "Ҳозир ўғлим Норбек сизларга қўшиқ айтиб беради", деди. Бир оз довдираб, шошиб қолдим. Ҳамманинг кўзи менда. Бирдан вужудимга қандайдир илоҳий жўшқинлик югурди, аста куйлай бошладим:

"Она, сен ғариб-ей, мен Ғариб..."

Халқнинг олқишидан сўнг отам кўзларига ёш олиб, пешонамдан ўпди, дуо қилди. Шундан буён достон куйлаш ҳаётим мазмуни, десам, муболаға бўлмас.

Падари бузрукворимизнинг ҳар бир сўзи ҳикмат эди. "Хонанда қаерда ва қандай тадбирда қўшиқ айтмасин, энг аввало, айтадиган сўзи маъносини ўзи теран тушуниши, юрақдан ҳис қила билиши керак, ана шунда тингловчи қалбини забт эта олади. Санъаткорлик даъвосидаги киши аввало, ўз ижодини санъат даражасига етказиши, ана ундан кейин халққа рўбарў бўлмоғи керак. Санъаткор овози ва одоби билан ажралиб туриши, мукаммалликка интилиши, дунёқараши кенг, тафаккури бой бўлиши керак. Бу номни пок тут, ўғлим!", деган ўгитлари ҳамон қулоғимда. Санъаткор мақомига етиш учун қийинчиликлардан, машаққатлардан чекинмаслик шартлигини уқтирардилар. "Алпомиш" достони яратилганлигига 1000 йил тўлиши катта тантана билан нишонлаган йили Сурхондарёга йўлга чиққан пайтим умр йўлдошимнинг волидаси вафот этганлиги ҳақида хабар келди. Бойсунга бормасликка ахд қилдим, "Турмуш ўртоғим ранжиб қолиши мумкин" деган андишага бордим. Бироқ у санъатнинг моҳиятини, санъаткор бурчини тушунгани учун менга "Алпомиш" халқимизнинг буюк қадриятларидан бири, қолаверса, бу байрамга сиз барча хоразмликлар номидан боряпсиз. Бормасангиз бўлмайди" деди. Йўлга чиқдим...

Ҳофизга ҳар нафас охир замондир,
Бугун авж қилмаса эрта тамомдур!

Санъаткор мана шу ақидани бурч билмоғи керак!

Ўтган йили ижодий фаолиятим сермаҳсул бўлди. Бельгиялик фольклор мусиқашунос Эди билан ҳамкорлик маҳсули — "Жавоҳир" деб номланган компакт диск мухлисларимизга, қолаверса, жаҳоннинг 33 мамлакати қўшиқ ихлосмандларига етказилди. 6-10 май кунлари Туркияда Юнус Эмро хотирасига бағишланган Ўрта Осиё бахши-шоирлари кўрик-танловида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдим.

Санъаткор, бахши сифатида мен бир нарса хусусида кўп ўйланаман: "фольклор" сўзи халқаро термин бўлиб, "халқ донолиги", "халқ билимдонлиги" маъноларини билдиради. Ана шу донолик, билимдонлик ифодаси бўлган достонлар, термалар, лапаралар, ёр-ёрлар, халфа ва достон қўшиқлари нега алоҳида нашр этилмаяпти? Ёки компакт диск ҳолида мухлисларга тортиқ этилмайди? Юртимизда ўнлаб фольклор-этнографик ансамбллар бор. Бахшичиликнинг Булунғур, Кўрғон, Шаҳрисабз, Шеробод, Хоразм йўли каби мактаблари бор. Ўша мактаблар сабоқларидан нега ёшлар тўла баҳраманд бўлмаяптилар? Қўтирқишлоқлик Қурбон бахши Йўлдош ўғли ўттиз иккита, унинг шогирди Бекмурод бахши ўн иккита достонни ёд билган. Отамиз Бола бахши 40 дан ортиқ достонни куйлаб ўтганлар. Бугун ўша достонларнинг билимдонини афсуски, топиш қийин. Бир пайтлар республика телевидениеси орқали "Халқ оғзаки ижоди" деб номланган кўрсатув намойиш этилар эди. Унда мен ҳам отам билан қатнашганман. Бахшилар, фольклор ижодкорларни элга танитадиган, ўз ўрнида одамларга бу санъат сеҳрини етказадиган кўрсатув эди, менимча. Афсуски, бу кўрсатув ҳозир эфирга чиқмаяпти. Ахир, халқ оғзаки ижоди, бахшичилик анъаналарини тиклаш, омма эътиборига етказиш масаласига давлатимиз томонидан катта эътибор берилаётир. Бахшилар шахсан Юртбошимизнинг эътибори билан юксак унвон, мукофотларга лойиқ топилмоқдалар.

Раҳматли отам 96 ёшида вафот этди. То умрининг охиригача эл-юрт, маҳалла-кўй хизматига камарбаста бўлдилар. Махтумқулининг "Унибўсган ўз юртингдан айрилма!" қўшиғини маҳаллага нисбат бериб, "маҳаллангдан зинҳор айрилма!" дер эдилар. Ҳозир ўзим истиқомат қилаётган Тозабоғ маҳалласида ёш достончилар мактабини ташкил қилдик. Шукрки, ёшларимиз сафида иқтидорли, меҳнат ва билимга чанқоқлари жуда бисёр. Уларнинг орасидан ўзбек халқ оғзаки ижоди, достончилик анъаналарини кенг дунё миқёсига олиб чиқадиган бахши санъаткорлар етишиб чиқади, деб комил ишонч билан айта оламан.

Абдулла САФОЕВ ёзиб олди.

ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА ЭДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби, мамлакатимизда кимё фани асосчиларидан бири Собир Юнусов ўз умрини ўсимликлардан олинаётган моддаларни тиббиёт амалиёти билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам тадбиқ этган улкан олим эди.

Умр мазмуни эзгу ишлар билан баҳоланади. Олимнинг қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришдаги хизматлари ҳам салмоқли. Маълумки, деҳқончилик маҳсулотлари бегона ўтлар, зараркунандалар ва ўсимликларга тушадиган касалликлар туфайли кўп нобуд бўлади. Академик, ушбу исрофгарчиликнинг олдини олиш, ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш мақсадида, ўзи раҳбарлик қилган ўсимлик моддалари кимёси институтида янги лаборатория ташкил этиб, мутахассисларни жалб қилиб, қатор алколоидлар, хусусан, никотин, анобазин каби моддаларнинг амалда қўлланилишини йўлга қўйган. Айни вақтда ўсимликларнинг яхши ривожланишига ёрдам берадиган қатор моддалар ихтиро этилишига бошчилик қилган. Улар қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга хизмат қилмоқда.

Яхшилар ёди

Устод ҳамиша ўз шогирдларига яхши олим бўлиш билан бирга, яхши одам бўлиш сабоғини бериб келган. Ўзбекистон кимё фанини дунёга танитган Собир Юнусов раҳбарлигида докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаган юздан ортиқ шогирдлари, ҳозир ўзлари устозлик мартабасига эришган таниқли олимлардан – профессор, кимё фанлари доктори Самад Акромов, Тошкент Давлат Аграр университети профессори, кимё фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Абдулатиф Абдусаматов устоднинг – одамийликка хос юксак фазилатлари, пурҳикматлиги, самимияти, ҳалоллик, – дея сухбатимизни бошлаб берди, ҳозир минг ойнинг юзини кўрган устоз Самад Акромов. – Домла такрор-такрор уқтирардиларки, "Гўзаллик шайдоси бўл. Чунки, гўзаллик табиатнинг энг яхши неъматларидандир. Гўзаллик фақат инсонларга хос дема, у ўсимликларда, жониворларда ҳам бор. Биринчи навбатда инсоний гўзаллик, унга муштарак равишда кўз ўнгингизга келтиринг – кўкламда ерни қоплаб олган ранг-баранг гуллар, яшил майсалар, чамандай гуллаган дарахтлар, ўсимликлар гўзаллиги. Бу икки гўзаллик ҳам табиат инъом этган бебаҳо неъмат. Сиз билан бизнинг вазифамиз ушбу гўзаллик замиридаги – бойликни – фойдали моддаларни топиш, элга хизмат эттириш... Биз кўпроқ шу ҳақда ўйлашимиз, сабр-тоқат билан изланишимиз даркор". Сўзи, дили билан иши бир олим – умри давомида Ўзбекистонда ҳамда бошқа ўлкаларда ўсадиган ўсимликлардан 1250 тадан ортиқ соф ҳолдаги алколоидларни ажратиб олишга раҳбарлик қилган. Улардан 600 таси янги бўлиб, тузилиш формулалари аниқлаб, тасдиқлаб берилган. Шу асосда улардан турли беморларни даволашда қўлланиладиган ўнлаб дорилар ишлаб чиқарилган.

– Ҳақиқий олим – инсон бўламан десангиз, одобингиз, ахлоқингиз гўзал, пок бўлсин, – дердилар, – деб гапни давом эттирди А.Абдусаматов. – Касбингизнинг фидойиси, камтар бўлинг, ўз она юртингизнинг обрўси учун тинмай меҳнат қилишдан чарчаманг.

Чин олим ўз соҳаси илмининг эгаси бўлиши учун, аждодларимиз тажрибаларини ҳам чуқур ўрганиши, эгаллаб олиши зарур. Токи бир нарсани такрорлаб ўтирмай, илмдан фойдаланиб, янгиликка эришсин. Олимнинг бахти шундаки, соҳасига қизиқтира олсин. Шунда у олим қаторига кирган ҳисобланади. Бунинг учун тадқиқотчи, ҳар бир илмий ходим тинмай мутолаа қилиши, изланиши ва вақтини тўғри тақсимлаб, ундан оқилона фойдаланиб, меҳнат қилиши зарур. Илмда ишловчи инсоннинг доимо дили пок, мақсади аниқ бўлиши керак. Шунда унинг иши доимо равнақ топади. Илмий ходимнинг иш унуми бўлиши учун у ким гапириб, данғасалик қилмасдан ишлаши керак. Кимки лоқайдлик қилса, бугунги ишни эртага қўйса, у ойлаб ва йиллаб вақтини беҳудага ўтказади деяверинг.

Илмий ходим зеҳнли, сабр-тоқатли, қатъий бўлиши ва чет тилларни билиши керак. Чунки чет эл тилларини билиш, хорижда чиқаётган фан ютуқларини тўлиқ ўзлаштиришга имкон беради.

– Собир Юнусов оила ва жамоанинг ҳамжиҳатлиги, аҳиллиги тўғрисида ҳам кўп насиҳат қилардилар. Чунки оила ва жамоа ҳамжиҳат, аҳил бўлса, уларнинг ютуқлари юзага чиқади, дер эдилар.

– Институтимизда ҳар хил касб эгалари – биолог-ботаник, кимегар, фармаколог-фитотоксиколог ва кимё технологлар бир оила аъзолари сингари аҳиллик билан иш олиб боришарди. Устод барча соҳа ходимларини, ўсимликларни, ниҳоятда эҳтиёт қилиб асрашга ўргатар, шунда табиат ўз иньомини биздан аямайди, деб тайинлардилар.

Ютуқларимизни "Табиий бирикмалар кимёси" деган халқаро журнал орқали дунёга чиқариб, рағбатлантирар эдилар.

Устозимиз Собир Юнусов ўсимликларнинг қайси аъзосида қай вақтда кўп миқдорда алколоидлар тўпланиш қонуниятини яратиб, ўсимликларнинг ҳар биридан алоҳида хомашё сифатида фойдаланиш мумкинлигини очиб берган эдилар. Бу қонуният асосида ҳозир бутун дунёда кимё-фармацевтика саноатларига керакли ўсимликлар ўз вақтида йиғиб берилмоқда.

Сухбатимиз ниҳоясида шунга иқрор бўлдикки, ўсимлик, гиёҳлар битмас-туганмас бойлигимиз, у бизга кийим-кечак, ош-нон ва дардимизга малҳам беради. Шунинг учун улардан оқилона фойдаланиш, чуқур ўрганиб, яшиллик оламини бойитиб бориш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Академик Собир Юнусовдек ўз соҳасининг билимдони, касбининг фидойиси бўлган инсоннинг ишларини шогирдлари давом эттиришмоқда.

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

"ОЛМАЛИҚ" ЎФФ КУБОГИ СОҲИБИ

ФУТБОЛ

14 февраль куни 2009 йилги Ўзбекистон футбол федерацияси Кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди. ЎФФ майдонида ўтказилган ўйинда "Олмалиқ" жамоаси "Бунёдкор" ўринбосарлари билан куч синашиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Гарчи учрашувнинг илк дақиқаларида тошкентлик ёш футболчилар тезкор футбол намойиш қилиб, рақибларини шошириб қўйган бўлсалар-да, кейинчалик "Олмалиқ" аъзолари майдонда ким биринчи рақамли жамоа эканлигини кўрсатиб қўйишди. 7-дақиқадаёқ бурчакдан ошириб берилган тўпни жарима майдони ичида илдам ҳаракат қилган Аъзам Шерғозиев боши билан дарвозага йўллаб ҳисобни очди. Орадан 12 дақиқа ўтиб, Собир Усмонхўжаев ҳисобдаги фарқни иккитага етказди.

Иккинчи бўлимда "Бунёдкор" футболчилари вазиятни ўнглаш учун бор эътиборларини ҳужумга қаратишди. Натижада, 57-дақиқада иккинчи бўлимда майдонга туширилган Бахтиёр Тоғаев қарши ҳужумдан унумли фойдаланиб, ўйин тақдирини ҳал қилди. Учрашув якунланишига 5 дақиқа қолганида "Бунёдкор"нинг истеъдодли ҳужумчиси Темурхўжа Абдуҳоликов томонидан киритилган тўп эса, ҳеч нарсани ўзгартирмади.

Шу тариқа, Игорь Шквирин бошчилигидаги жамоа 2009 йилги ЎФФ Кубоги соҳибига айланди. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилги мусобақада Ғузорнинг "Шўртан" клуби зафар қучганди.

Ғолибларга Кубокни Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Сардор Ҳамидуллаев ва Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг ижроия директори Фарҳод Магометовлар топширишди.

МОРЕСМО – "PARIS OPEN" ҒОЛИБИ

ТЕННИС

Франциялик теннисчи Амели Моресмо россиялик Елена Дементьевани 7:6 (9:7), 2:6, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, "Paris Open" ғолибига айланди.



Шу тариқа Моресмо охирги икки йил давомида уни тинимсиз таъқиб қилган жароҳатлардан қутилиб, илк муваффақиятни қўлга киритди. 2004-2006 йилларда Моресмо жаҳон теннисчилар рейтингида биринчи ўринда бўлган. 2009 йил февраль ойи натижаларига кўра у 24-ўринни банд этиб турибди.

Финалга чиқиш йўлида Моресмо Елена Янкович, Агнешка Радванска каби кучли теннисчилар қаршилигини енгган бўлса, Дементьева Серена Уильямс жароҳат туфайли турнирни тарк этганидан сўнг курашсиз финалга чиққан эди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Тошкент шаҳар Учтепа тумани 12-мавзе, 20-уй, 12-хонадонга – Расулева Муқаддас Лутфиллаевна номига 1994 йил 19 январда берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани (БТИ) томонидан № 427/13 12.11.1968 йилда 5-проезд Мирхонд 19-уйда яшовчи Восиқов Рахмон номига берилган уй-план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан 2009 йили Муродуллаев Олмос Олимович номига берилган № 477273 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2008 йил 3 декабрда К.З.Сайфитдинов ва Е.Б.Аксанова ўртасида тузилган шартноманинг факс нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

В связи с ликвидацией садово-виноградарского товарищества "70 лет Октября", расположенного вдоль реки Ангрен на территории Пскентского района Ташкентской области и создания садово-виноградарского товарищества "AFSHONA-S", просим членам товарищества по территории выделенного для Мирзо Улугбекского района г.Ташкента в течение двух месяцев пройти перерегистрацию. Адрес: Ташкентская обл., Пскентский район, территория вдоль реки Ангрен. Тел.: 907-78-33.

ООО ИП "HE DEVELOPMENT KOREA" (ИНН 206025322, код по ОКПО 20537334) уведомляет об уменьшении своего Уставного фонда с 1.985.718.000 сум до 1.575.335.617,76 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Афросиаб, 12-3. Тел.: 252-37-94.

SSANGYONG АВТОСАЛОН
МЧЖ"ULOR AVTO"расмий вакили SsangYong Motor Company(Жанубий Корея)
ACTYON KYRON REXTON II RODIUS
Германия технологияси асосида Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган
Маҳсулот сертификатланган Божхона тўлови тўланган
Кафолат 2 йил (40000 км.)
Тошкент ш.У.Носир кўчаси 12. Тел.: 148-48-48, 150-71-20, (+99897) 421-21-01, (+99897) 421-21-02.

АВТОТРАНСПОРТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!
6 ўринли, 2 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232–Фермер" автомашинаси
"ГАЗ-31105"
"ГАЗ-3302" русумли тентли юк машинаси
РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS
"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт – 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.
Ҳақ тўлаш исталган усулда!
"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина
"ГАЗ-3309" русумли нон ташиш машинаси
"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сиғимли сут ташиш машинаси
"ГАЗ-3221" русумли 13 ўринли микроавтобус
"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси
700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел/факс: (99871) 256-13-01, 256-10-36, 256-03-62, 126-12-94.
Автосалон: 127-69-60, 140-41-22, 140-41-21.
Маҳсулотлар сертификатланган
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

СП "KOREA MACHINERU GLOBAL" ООО (код по ОКПО 21479449) Чиланзарского района г.Ташкента обявляет об изменении состава учредителей, в следом присоединяется в состав ООО "MANNEL ZIYO". Претензии принимаются по тел.: 277-82-24, 277-76-35.

ООО "IDEYA LUX" (код по ОКПО 22476482, ИНН 300872134), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г.Ташкента, расположенное по адресу: ул.Навои, 22, ликвидируется (протокол собрания № 2 от 29 декабря 2008 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 244-74-51.

Утерянный аттестат о 9-ти классном образовании U № 2283912, выданный 2006 г. средней школой № 183 Чиланзарского района г.Ташкента на имя Кашапова Аскара Хозибовича, считать недействительным.

Утерянные планы дома по адресу: Уйгун, д.80, а также по адресу Ц-13, д.8, кв.8 и Ц-13, д.8, кв.11, выданные на имя Хазимуратовой Раушании Авгановне, считать недействительным.

СП ЗАО "EKSPO" (ИНН 204688117), извещает об уменьшении Уставного фонда с 1 000 000 долларов США до 976 061 долларов США. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 234-34-94, 234-43-40, 234-54-95.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Агитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓔ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.00
20017 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
12345678